



## SPECIFIC FEATURES OF THE JURISDICTION INSTITUTE IN ADMINISTRATIVE PROCEEDINGS

**Shokhrugh Rajabov**  
*Master's student*  
*Law Enforcement Academy*  
*Tashkent, Uzbekistan*

### ABOUT ARTICLE

**Key words:** administrative court, fair justice, administrative proceedings, judicial jurisdiction, judicial jurisdiction in administrative proceedings, specific features of judicial jurisdiction in administrative litigation.

**Received:** 03.02.25

**Accepted:** 05.02.25

**Published:** 07.02.25

**Abstract:** This article examines the institution of judicial jurisdiction in administrative proceedings, its scientific and theoretical aspects, its role in the judicial system, the principles of judicial jurisdiction, and the scientific research conducted by scholars in this field. The author presents their views on issues related to administrative proceedings, judicial jurisdiction, and the specific features of judicial jurisdiction in administrative litigation. Additionally, the article analyzes international experience in judicial jurisdiction in administrative courts and provides a comparative analysis with the legislation of Uzbekistan.

## МАЪМУРИЙ СУД ИШЛАРИНИ ЎРИТИШДА СУДЛОВГА ТЕГИШЛИЛИК ИНСТИТУТИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

**Шоҳруҳ Ражабов**  
*магистратура тингловчиси*  
*Хуқуқни муҳофаза қилиши академияси*  
*Тошкент, Ўзбекистон*

### МАҚОЛА ҲАҚИДА

**Калит сўзлар:** маъмурӣ суд, одил судлов, маъмурӣ суд ишларини юритиш, судловга тегишлилиқ, маъмурӣ суд ишларини юритишда судловга тегишлилиқ, маъмурӣ судловга тегишлилиқнинг ўзига хос жиҳатлари.

**Аннотация:** Мазкур мақолада маъмурӣ суд ишларини юритишда судловга тегишлилиқ институти, унинг илмий-назарий жиҳатлари, унинг суд тизимида тутган ўрни, судловга тегишлилиқ принциплари, олимларнинг соҳада олиб борган илмий тадқиқот ишлари ўрганилиб, маъмурӣ суд ишларини юритиш, судловга тегишлилиқ,

маъмурий суд ишларини юритишида судловга тегишлилик, маъмурий судловга тегишлиликнинг ўзига хос жиҳатлари хақида муаллифлик қарашларини баён қилган. Шунингдек, маъмурий судларда судловга тегишлилик бўйича халқаро тажриба таҳлил қилиниб, Ўзбекистон қонунчилиги билан қиёсий таҳлил этилган.

## ОСОБЕННОСТИ ИНСТИТУТА ПОДСУДНОСТИ В АДМИНИСТРАТИВНОМ СУДОПРОИЗВОДСТВЕ

**Шохрух Раджабов**

*студент магистратуры*

*Академия правоохранительных органов*

*Ташкент, Узбекистан*

### О СТАТЬЕ

**Ключевые слова:** административный суд, справедливое правосудие, административное судопроизводство, судебная подсудность, судебная подсудность в административном судопроизводстве, особенности судебной подсудности в административном судопроизводстве.

**Аннотация:** В данной статье рассматривается институт судебной подсудности в административном судопроизводстве, его научно-теоретические аспекты, его роль в судебной системе, принципы судебной подсудности, а также научные исследования, проведенные учеными в данной сфере. Автор выражает свои взгляды на вопросы административного судопроизводства, судебной подсудности, особенности судебной подсудности в административном судопроизводстве. Кроме того, проводится анализ международного опыта судебной подсудности в административных судах и сравнительный анализ с законодательством Узбекистана.

**Кириш.** Сўнгги йилларда мамлакатимизда давлат органлари билан муносабатларда фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг хуқуqlари самарали ҳимоясини таъминлашда тизимли ислоҳотлар амалга ошириб келинмоқда. Айниқса маъмурий суд ишларини юритишида фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг хуқуqlари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш механизmlарини такомиллаштиришга кенг эътибор қаратилмоқда.

Бунда маъмурий суд ишларини юритишида судловга тегишлилик институти ҳам қонунчилика муҳим ўрин тутади. Судловга тегишлилик маъмурий ишларнинг қайси суд томонидан кўрилиши кераклигини аниқлашга хизмат қиласди. Ушбу тушунча нафақат одил судлов ваколатларининг тақсимланишини белгилаб беради, балки қонун устуворлигини таъминлашда ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Одил судловга бўлган имконият инсоннинг энг муҳим ҳуқуки ва қадриятидир. Айнан одил судлов ва қонун (хукук) устуворлиги мамлакатларнинг барқарор ривожланиш ва инклузив ўсишининг асосидир, бу иқтисодиёт ва хукуқка оид илмий тадқиқотлар, шу жумладан, машҳур олимлар Д.Ажемоглу ва Ж.Робинсонларнинг [1] илмий асарларида ҳам ўз тасдиғини топган.

Адолат (одил судлов)га бўлган ҳуқуқ ва имкониятнинг яъни инсонлар давлат ҳокимиюти билан таъминланган ҳолда ўз ҳуқуқларини талаб қиласиган ва (ёки) низоларини ҳал қиласиган тизимнинг икки асосий мақсади мавжуд.

Биринчиси, тизим барча учун очиқ ва имконли бўлиши лозим;

Иккинчиси, у индивидуал ва ижтимоий жиҳатдан адолатли бўлган натижага олиб келиши лозим.

Адолатли қарор бўлиши учун аввало фуқароларда одил судловга хусусан маъмурий судларга имконият бўлиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекс (кейинги ўринларда МСИЮтК деб аталади) нинг 4-моддасига асосан, ҳар қандай манфаатдор шахс ўзининг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқларини ёхуд қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш учун маъмурий судга (судга) мурожаат қилишга ҳақли. Қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда, судга прокурор, давлат органлари ва бошқа шахслар мурожаат қилишга ҳақли.

Судга мурожаат қилиш ҳуқуқидан воз кечиши ҳақиқий эмас[2].

Шу ўринда айтишимиз кераккни, юридик адабиётларда фуқаролик одил судловининг қуйидаги асосий принциплари келтирилади:

1. Суд ва одил судловнинг ҳамма учун очиқлиги (имконлилиги);
2. Процессда ҳалолликни таъминлаш;
3. Тез ва самарали суд процессини таъминлаш;
4. Адолатли ва самарадор натижаларга эришиш [3].

Шу сабабли ҳам замонавий процессуал ҳуқуқида одил судловнинг мақсади, адолатнинг барча учун очиқ ва имконлилигини таъминлашдир. Бу имконият ва очиқлик эса судловга тегишлилик институтига асосланади.

**Адабиётлар таҳлили.** В.В.Ярков фикрича, одил судловнинг фуқаролар учун очиқлиги масаласи кўпроқ иқтисодий хусусиятга эга (у ёки бу суд тизимидағи ёки муайян судлардаги штатлар, молиялаштиришнинг оширилиши ёки камайтирилиши)[4].

Судловга тегишлилик суд тизимининг турли бўғинлари судлари ва тенг ваколатли судлар ўртасида ишларни энг мақсадга мувофиқ тарзда тақсимлаш вазифаларига хизмат қиласиган суд ваколатининг асоси ҳисобланиб, судловга тегишлилик суд тизими учун

хусусан, маъмурий судлар учун ҳам ўзига хос аҳамиятга эга бўлган мураккаб ҳуқуқий институтлардан биридир.

МСИЮтКда судловга тегишлилик тушунчаси берилмаган бўлсада, бироқ маъмурий суд ишларини юритиш ҳуқуқида судловга тегишлилик тушунчасига нисбатан турлича ёндашувлар мавжудлигини кузатиш мумкин.

Масалан, В.Ф.Тараненко, А.А.Доброволский тадқиқотларида судловга тегишлилик тушунчасини - суд органларига тааллуқли барча ишларни ушбу суд тизимининг турли судлари ўртасида тақсимлаш деб таърифлайди [5]. Рус олим С.И.Ожегов “тақсимлаш – маълум бир кетма-кетликда ўрнатиш, жойлаштириш, кимлардир ўртасида ҳар бирига маълум бир қисмларни берган ҳолда бўлиб чиқишидир – деб бу фикрга қарши фикр билдиради[6]. Ўз-ўзидан суд органларига тегишли ишларни ажратиш ҳали судловга тегишлиликни билдирамайди.

Ю.К.Осипов ўзининг “Судга тааллуқлилик ва судловга тегишлилик” монографиясида судловга тегишлиликни “суд органларига тааллуқли бўлган ишларни муайян суднинг биринчи инстанция бўйича кўриб чиқишига бўлган ваколати” сифатида таърифлаган [7]. Судловга тегишлиликни ваколат нуқтаи назардан аниқланишига эса бошқа рус олимаси Т.Ерохина эътиroz билдиради, унинг фикрича ваколат соҳалараро институт, муайян судга нисбатан ушбу категорияни ишлатиш тўғри эмас [8].

Г.Ф.Шершеневич таъкидлашича, судловга тегишлилик – ўз функциялари бўйича тенг бўлган, бироқ ташкилий жихатидан фарқ қилувчи судларга нисбатан муайян суднинг иш юритувига тегишли бўлган ишлар доирасидир[9]. Е.Васьковский фикрига кўра, судловга тегишлилик бу бир турдаги судларнинг муайян низони қўриб чиқишига ҳудуд бўйича ваколатини белгиловчи қоидадир[10].

Судловга тегишлилик тушунчаси ҳуқуқ назариясида алоҳида ўрганилган тадқиқотлар сифатида судловга тегишлилик маъмурий судларнинг иш юритиш жараёнида қонунбузилишларни олдини олиш ва ҳуқуқни тиклаш мақсадида ишларни аниқ бир суд юрисдикциясига тақсимлашни англатади. Ҳуқуқшунос олимлардан А.Мухаммадиев судловга тегишлиликни “судларнинг ваколат доирасини аниқлаб берувчи ҳуқуқий институт” [11] сифатида тавсифласа, П.Иванов эса бу тушунчани “фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишдаги муҳим кафолатлардан бири” деб ҳисоблади [12]. Янги замонавий тадқиқотларда эса судловга тегишлиликни рақамлаштириш жараёнлари билан бирга ўрганиш зарурлиги қайд этади.

Юқоридаги олимларнинг фикр-мулоҳазалари судловга тегишлиликнинг умумий маъносини англатсада, назаримизда аниқ таъриф битта эмас, чунки мураккаб институтга қисқа ва аниқ тушунтириш бериб бўлмайди. Бу ўринда “суд ваколати”, “судга таалуқлилик”

ва “судловга тегишлилик” тушунчаларини бирга кўриб чиқиш ҳамда улар ўртасидаги муносабатдан судловга тегишлиликнинг моҳиятини чиқариб олиш мумкин. Аввало, бизнингча ушбу тушунчалар бир-бирига боғлиқ, бир-бирини тақозо қилувчи ва тўлдирувчи, лекин моҳиятан ва функциясига кўра фарқли ҳуқуқий категориялардир. Суд ваколати деганда, суднинг умумий қоидалар асосида фарқланувчи ҳуқуқий низоларни кўриб чиқиш ва ҳал этиш бўйича қонуний имкониятидир. Бу судга одил судлов бўйича суд ҳокимиятини амалга ошириш, барча учун мажбурий қарор чиқариш ваколатини беради. Судга тааллуқлилик эса суднинг бошқа органларга нисбатан ваколатлари чегараларини англатади. Яъни, судлар ваколатини, улар ҳал этадиган ҳуқуқий низолар чегарасини белгилайди. Судловга тегишлилик эса ана шу тааллуқли ишларни муайян судда мазмунан кўриш ва ҳал қилиш тартибини белгилайди. Масалан, тегишли бўлмаган ишни кўриб чиқиш ва ҳал этиш ноқонуний бўлади.

Бизнингча, судловга тегишлилик тушунчаси - суд ваколати (юрисдикция)ни аниқлаштирувчи механизм бўлиб, муайян низони бир турдаги судлар ўртасида қайси суд мазмунан кўриш ва ҳал этишга ваколатли эканини аниқловчи қоидадир. Шу муносабат билан, юридик адабиётларда турли судлар ўртасидаги ишларни ажратиш учун судга тааллуқлилик эмас, балки судловга тегишлилик институти қўлланилиши лозимлиги тўғри кўрсатилган.

Маъмурий судлар судга тегишилик тушунчасини ёртишдан олдин айrim тушунчаларга ойдинлик киритиш лозим деб хисоблаймиз. Жумладан, “маъмурий судлов” (маъмурий суд ишларини юритиш) тушунчаси, “оммавий ҳуқуқий муносабат”, “оммавий ҳуқуқий низо”, “маъмурий иш” ва “маъмурий ҳуқуқий низо” тушунчаларининг мазмун-моҳиятига қисқача тўхталиш зарур.

Н.М.Коркунов оммавий ҳуқуқий низоларни кўриб чиқиши керак бўлган маъмурий ва фуқаролик юстицияси ўртасидаги фарқни келтириб, буни оммавий ва хусусий ҳуқук ўртасидаги фарқ сифатида ифода этди [13].

Юртимизда маъмурий суд иш юритуви тартиби жорий қилиниб, унинг алоҳида тартиби кодекслаштирилганидан сўнг “маъмурий иш” категориясининг аниқлаштирилиши талаб этилди. Илмий изланишларда “оммавий-ҳуқуқий муносабат”ларга таъриф берилганда, унинг оммавий ҳуқук нормалари билан тартибга солинган ижтимоий муносабатлар эканлиги кўрсатиб ўтилган. Шунингдек, оммавий-ҳуқуқий муносабатларнинг асосий хусусияти эса унда иштирок этувчи томонларнинг бири сифатида давлат ҳокимияти субъектининг иштирок этиши белгиланган. Илмий адабиётларда бундай қарашларнинг тарафдорлари кўпчилик эканлигини кўришимиз мумкин. Лекин, бизнинг фикримизча, хозирги кунда оммавий-ҳуқуқий муносабатларнинг субъектлари сифатида

бир томонда жисмоний ва юридик шахсларни, иккинчи томонда эса фақатгина давлат органларини эмас, балки ҳокимият ваколатларига эга бўлган турли субъектларни учратиш мумкин. Демократик ҳуқуқий давлатда олиб борилаётган номарказлаштириш нафақат давлат органлари тизими ичидан, балки ундан ташқарида ҳам юз бермоқда. Жумладан, айрим давлат функциялари нодавлат ташкилотларига (фуқаролик жамияти институтларига) ўтказилмоқда. Бу ўз навбатида оммавий-ҳуқуқий муносабатларнинг бир томонида иштирок этувчи ҳокимият ваколатига эга бўлган субъектлар доирасининг кенгайишига олиб келади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига биноан фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ва улар мансабдор шахсларининг қонун ҳужжатларига мос келмайдиган ҳамда фуқаролар ёки юридик шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузадиган қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан маъмурий судга мурожаат қилиш белгиланган. Демак, маъмурий судда оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низо кўриб чиқилаётганда, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ҳокимият ваколатига эга бўлган субъект сифатида намоён бўлади [14].

“Оммавий ҳуқуқий низолар” атамаси биринчи бўлиб Ю.А.Тихомиров томонидан таклиф қилинган бўлиб, олим низонинг ушбу турини ваколатли органлар томонидан қонун билан белгиланган тартибда кўриб чиқиладиган ва оммавий (жамоат) характерига эга бўлган низоларни тушунган [15]. Низо, агар унинг мазмуни ҳуқуқнинг оммавий соҳаларини (конституциявий, маъмурий, солиқ, молиявий, жиноий, халқаро оммавий ва бошқалар) қамраб оладиган бўлса, у оммавий ҳуқуқий низоларга тегишли бўлишини ҳам Ю.А.Тихомиров таъкидлаган. Бу каби низолар кенг маънода оммавий ҳуқуқий низолар сифатида қаралади ва бундай фикрга И.В.Михеева [16] ҳам қўшилган. Бу борада маъмурий соҳада изланиш олиб борган олим А.Минина оммавий ҳуқуқий низоларни тор маънода, давлат бошқаруви органлари томонидан қонуний белгиланган ваколатни амалга ошириш мобайнида келиб чиқадиган низолар деб ҳисоблайди [17]. Маъмурий ишлар ҳақиқатдан ҳам маъмурий ва бошқа оммавий муносабатлардан келиб чиқади, лекин бу уларнинг ўхшашлигидан далолат бермайди, балки бу оммавий маъмурийни бир таркибий қисм сифатида қоплаб кетишидан дарак беради.

Маъмурий ишлар оммавий характерга эга ва маҳсус процессуал тартибда суд муҳокамасини талаб қиласи. Оммавий-ҳуқуқий низонинг асосий характеристикаси - баҳсли ҳуқуқий муносабат тарафларининг ҳуқуқий тенгсизлиги. Шундай қилиб, Д.М.Замишляев фикрича, маъмурий низонинг белгиловчи хусусиятлари - бу ҳуқуқий муносабатлар субъектларининг teng ҳуқуқлилигининг йўқлигидир, яъни улардан бири ҳокимият функциялари билан таъминланганлиги; шу билан бирга, бу алоҳида юрисдикция ва унинг маҳсус процедураларини ажратиш учун сабаб бўлган ҳуқуқий муносабатларнинг ўзига хос

хусусияти ҳам саналиши. Олим бу хусусиятлар ҳамма оммавий-хуқуқий низоларга тегишлилиги масаласини ҳам айтиб ўтади [18].

Немис назарияларига кўра, оммавий ва хусусий хуқук ўртасидаги фарқда ҳар доим ҳам аниқ ечимга келиб бўлмайди ва у зиддиятли ҳисобланади [19]. Немис олимларининг фикрига кўра, агар низо келиб чиқадиган хуқуқий муносабатлар оммавий бўлса, низо оммавий ҳисобланади. Ўртадаги фарқни аниқлаш учун бир қатор назариялар мавжуд. Ҳозирда энг кенг тарқалганлари учта [20]:

- Манфаатлар назарияси. Оммавий хуқук жамоат манфаатларига хизмат қиладиган бўлса, ҳал қилувчи қоида ҳисобланади.
- Бўйсунув назарияси. Юқорига бўйсунув муносабати мавжуд. Бу ҳар доим маъмурий ҳужжат ёки қарор ҳақида гап кетганда юз беради.
- Субъектнинг ривожлантирилган назарияси (махсус хуқук назарияси, [Modifizierte Subjektstheorie](#)): низони ҳал қилувчи норма факат бир суверен томонга хуқук беради ёки мажбурият юклайди.

**Таҳлил ва натижалар.** Юқоридагиларга асосланадиган бўлсак, хукуқшунос олимлар томонидан “оммавий-хуқуқий низо” (ва хусусан унинг асосий кўриниши ҳисобланган “маъмурий-хуқуқий низо”)нинг бир неча умумий хусусиятлари кўрсатиб ўтилган: биринчидан, оммавий-хуқуқий низолар оммавий хуқуқ соҳаларига тегишли масалаларни қамраб олади; иккинчидан, оммавий-хуқуқий низоларда муносабат иштирокчиларидан бири сифатида ҳокимият ваколатларига эга бўлган субъект намоён булади ҳамда муносабат иштирокчилари тенг эмас; учинчидан, оммавий-хуқуқий низоларни ҳал этишнинг махсус тартиби жорий этилади; тўртинчидан, оммавий-хуқуқий низолар турли субъектларнинг хуқуқлари ва мажбуриятларини, уларнинг хатти-харакатларини белгилаб берувчи моддий хуқуқ нормаларини қўллаш бўйича юзага келади; бешинчидан, оммавий-хуқуқий низолар ҳокимият субъектлари қарорлари ва ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги), норматив-хуқуқий ҳужжатлар, бошқа оммавий қарорлар ва ҳаракатлар бўйича юзага келади.

“Оммавий-хуқуқий низо” ва “маъмурий-хуқуқий низо” тушунчалари кўпгина ҳолатларда бир бутун ёки иккинчиси биринчисининг бир қисми сифатида намоён бўлиши мумкин. Т.В.Пешкова ҳам ушбу нуқтаи назарни қўллайди. Унинг фикрига кўра, маъмурий хуқуқий низолар томонлардан бири сифатида қатнашувчи ижро этувчи ҳокимият органлари, шунингдек бошқа органлар ва давлат бошқарувини амалга оширувчи мансабдор шахслар бўлган барча низоларни ўз ичига қамраб олади [21]. Худди шундай мулоҳаза И.В.Панова томонидан ҳам қўлланилади [22]. И.М.Галий “маъмурий-хуқуқий ва бошқа оммавий хуқуқий муносабатларидан келиб чиқадиган низолар” тушунчасини маъмурий хуқуқий низога нисбатан синоним деб ҳисблайди [23]. Бизнинг фикримизча ушбу

тушунчани маъмурий ҳуқуқий низога тўлиқ синоним дейиш нотўғри бўлса керак. Тўғри, ушбу тушунчалар қисман синоним, лекин тўлиқ равища эмас. Сабаби, юқорида биз оммавий ҳуқуқий муносабатлар доирасини аниқлаганимизда, маъмурий унинг бир соҳаси, яъни кисми сифатида кўриб чиқдик, чунки маъмурий бу оммавий ҳуқуқий низоларнинг бир кисми сифатида тушунилади.

А.Б.Зеленцовнинг фикрича, маъмурий-ҳуқуқий низо — фуқароларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ёки маъмурий давлат ҳокимияти органлари мансабдор шахсларининг хатти-ҳаракатлари ва қарорларининг қонунийлиги масалалари бўйича маъмурий ҳуқуқий муносабатдир [24]. А.П.Алексин эса ушбу муносабатларда ҳокимият ваколатларига эга бўлган субъект томонидан бошқа томоннинг ўз ҳуқуқ ва эркинликлари бузилди деб ўйлаши натижасида келиб чиқадиган низолар деб ўйлайди [25]. Н.Ю.Хаманева “маъмурий-ҳуқуқий низо” тушунчасини юридик низонинг бир кўриниши сифатида таърифлаб, мазкур низо бошқарув жараёнида юзага келиши, субъектларнинг алоҳида мақомга эга эканлиги ва низонинг маҳсус тартибда ҳал этилиши сингари хусусиятларини кўрсатиб ўтади [26]. Одатда, маъмурий ҳуқуқий низолар бошқарувчи органлар томонидан бошқарилувчи шахсларга таъсири натижасида, масалан ноқонуний ҳокимият акти қабул қилиниши ва бу таъсири шахс ўзининг ҳуқуқ ва манфаатлари бузилган деб ўйлаганида вужудга келади. Бу каби низолар бошқарувчи томоннинг ташаббуси билан ҳам, шунингдек прокуратура органларининг маъмурий органлар хужжатлари ва ҳаракатлари устидан протест киритиши натижасида ҳам бошланиши мумкин. Бу масала МСИЮтК 4-моддасида ҳам қуидагича келтирилган: қонун хужжатларида назарда тутилган ҳолларда, судга прокурор, давлат органлари ва бошқа шахслар мурожаат қилишга ҳақли.

Фуқаролар қўпинча ҳуқуқни қўллаш актлари устидан шикоят қилиш ҳуқуқидан кенг фойдаланадилар. Норматив хужжатларнинг ноқонунийлиги тўғрисида шикоятлар камроқ учрайди, аммо фуқароларнинг акт муаллифига ёки бошқа ваколатли органга бундай мурожаатлари қонунийдир [27].

Е.Б.Лупаревнинг фикрича, маъмурий-ҳуқуқий низоларнинг бошка ҳуқуқий низолардан асосий фарқи, унинг маҳсус субъект таркибига ва объектга эга эканлигидир. Маъмурий-ҳуқуқий низоларнинг маҳсус субъекти сифатида давлат бошқаруви ваколатларига эга бўлган шахс ёки ташкилот намоён бўлади. Маъмурий-ҳуқуқий низоларнинг обьекти бўлиб эса, бошқарув ҳуқуқларини, қонуний манфаатларни ва оммавий бошқарув мажбуриятларини амалга ошириш тартибини ҳимоя қилиш ҳисобланади. Маъмурий-ҳуқуқий низоларнинг предмети — давлат-ҳокимият ваколатлари берилган орган ёки шахснинг субъектив бошқарув ҳуқуқлари, мажбуриятларни амалга ошириш тартиби, таъминланмаган оммавий бошқарув манфаати. Оммавий ҳуқуқлар,

манфаатлар ва мажбуриятларнинг бошқарув хусусиятига эга эканлиги маъмурий-хукуқий низоларни бошқа хукуқий низолардан ажратиб турувчи мезонлардан биридир [28]. Э.Б.Лупарев шу билан бирга маъмурий низонинг генетик таърифи бўйича ўз нуқтаи назарини ҳимоя қилган ҳолда, унинг асосий хусусиятини давлат бошқаруви соҳасидаги “зиддият” деб белгилайди [29].

Назаримизда маъмурий хукуқий низо - бу оммавий хукуқий муносабат субъектлари ўртасидаги номувофиқлик(келишмовчилик) ёки зиддият бўлса, маъмурий иш эса суд томонидан кўриб чиқилиши учун қабул қилинган маъмурий-хукуқий низо, шунингдек ушбу низо билан боғлиқ материаллардир.

Маъмурий суд ишларини юритишда судловга тегишлилик тушунчаси дунёning турли давлатлари маъмурий қонунчилигига турлича тартибга солинади. Масалан, Германияда маъмурий судлов тизими мустақил бўлиб, ишларнинг судга тегишлилиги Конституция ва маҳсус қонунлар билан белгилаб қўйилган. [30] Францияда эса маъмурий судлов тизими кенг ва ихтисослашган бўлиб, ишларнинг судга тегишлилиги Давлат кенгаси томонидан назорат қилинади[31]. АҚШда маъмурий судлов асосан федерал ва штат судлари ўртасида тақсимланади, бу эса ҳар бир ишнинг аниқ қайси даражада кўрилишини белгилашга ёрдам беради [32]. Швецияда маъмурий суд ишлари “оммавий хукуқ” тушунчаси доирасида қаралади ва у ерда судловга тегишлилик масалалари автоматлаштирилган тизимлар орқали ҳал қилинади[33].

Ўзбекистонда маъмурий суд ишларини юритишда судловга тегишлилик Ўзбекистон Республикаси Конститутцияси, “Маъмурий тартиб таомиллар тўғрисида”ги қонун, МСИЮтК билан тартибга солинади. Судловга тегишлилик қоидалари судларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш ва ишларни тўғри юритишни таъминлашга қаратилган. Масалан, МСИЮтК 28-моддасида судловга тегишлилик ҳақида норма мавжуд бўлиб, ҳозирги вақтда судловга тегишлилиkn янада такомиллаштириш мақсадида Олий суд тизимида янги электрон платформалар жорий этилган ва бу ишларни судлар ўртасида тезкор тақсимлаш имконини яратмоқда.

Юридик манбаларда маъмурий суд ишларини юритишга нисбатан “ички” ва “ташқи” судловга тегишлилик тушунчалари келтирилган бўлиб, бу маъмурий судлар ўртасидаги ваколат тақсимотини англатади. Бунда ташқи судловга тегишлилик хукуқий муносабатларга боғлиқ шаклда суд тизими ичida соҳавий судлар масалан, фуқаролик, иқтисодий, маъмурий, жиноят судларига тегишлилиkn англатса, ички судловга тегишлилик эса маъмурий суд доирасида низонинг қайси судга тегишли эканини белгилашга хизмат қиласи.

Немис юридик адабиётларида “судловга тегишлилик” икки: объектив ва субъектив маънода белгиланган [34]. Объектив маънода судловга тегишлилик деганда, судда кўриладиган ишлар доираси тушунилади. Субъектив маънода судловга тегишлилик ҳам суд ҳам тарафлар позициясидан белгиланади. Шуни айтиш керакки, Германия судловга тегишлилик институти умумий жиҳатларига кўра миллий хукуқдаги айни институт билан ўхшаш бўлиб, сабаби оммавий хукуқий низоларни ҳал этишга қаратилган маъмурий судлов андозаси айнан герман хукуқи асосида шакллантирилган.

**Хулоса.** Демак, судловга тегишлилик ўз моҳиятига кўра муайян суднинг маъмурий ишни биринчи инстанцияда кўриши ва ҳал этиши учун ваколатли бўлишини аниқлашни ҳамда ишни мазкур судга тақсимланишини англатади.

Судловга тегишлилик институтининг хукуқий мазмуни ҳам мазкур мақсадларнинг функцияси ҳисобланиб, низони кўриш муайян мезонлар асосида бир суд судловга берилади, ушбу суддан бошқа суд (агар танлов ёки муайян истисно белгиланган бўлмаса) бу низони кўриб ҳал қилмайди. Ушбу хулоса МСИЮтКда белгиланган судловга тегишлилик тартиби бузилган ҳолда берилган ариза кўриб чиқилмаслиги ва қайтарилиши ҳақидаги нормага мос келади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, маъмурий судловга тегишлиликнинг ўзига хос жиҳатлари ҳақида қўйидагиларни кўрсатиш мумкин:

биринчидан, ваколатларнинг аниқ тақсимланиши орқали судловга тегишлилик қоидалари ишларнинг қайси суд томонидан кўрилишини белгилаб беради ва бу эса зиддиятларнинг олдини олишга хизмат қилади;

иккинчидан, судловга тегишлилик суд тизимида ишларнинг белгиланган қоидалар асосида тақсимланишига хизмат қилади;

учинчидан, адолатли қарор қабул қилишга ёрдам бериш орқали ҳар бир ишнинг тегишли суд томонидан кўрилиши қонуний, асосли ва адолатли қарор чиқариш имкониятини оширади;

тўртингидан, маъмурий судлов тизимиға рақамли технологияларнинг жорий этилиши орқали тегишлилик масалаларида самарадорликни оширишга ёрдам беради.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Acemoglu, D., Johnson, S., & Robinson, J. A. Institutions as a fundamental cause of long-run growth. *Handbook of economic growth*, 1. 2005. Б. – 385-472.
2. <https://lex.uz/docs/3527353>
3. Andrews N. (2012) Fundamental Principles of Civil Procedure: Order Out of Chaos. In: Kramer X., Rhee C. (eds) *Civil Litigation in a Globalising World*. T.M.C. Asser Press. [https://doi.org/10.1007/978-90-6704-817-0\\_2](https://doi.org/10.1007/978-90-6704-817-0_2). Б. – 23.

4. Гражданский процесс: Практикум: Учебное пособие / Под ред. проф. В.В. Яркова, доц. А.Г. Плещанова; Урал. гос. юрид. ун-т. – 5-е изд., перераб. и доп. – М.: Статут, 2017. Б. – 86.
5. Советский гражданский процесс / Под ред. А.А. Добровольского и А.Ф. Клайнмана. М., 1970. Б.–113.(автор главы - А.А. Добровольский).
6. Ожегов С.И. Словарь русского языка. М., 1%0. С. 653.
7. Осипов Ю.К. Подведомственность юридических дел. Свердловск, 1973. Б.–11
8. Ерохина Т.П. Некоторые проблемы подсудности в гражданском судопроизводстве. Дисс. Канд. Наук. Саратов. 2004. Б. – 12.
9. Шершеневич Г.Ф. Курс торгового права. Т. IV: Торговый процесс. Конкурсный процесс. М. 2003. С. 62.
10. Васьковский Е.В. Курс гражданского процесса: Субъекты и объекты процесса, процессуальные отношения и действия. – М.: Статут, 2016. Б. – 483.
11. Рахматова З.М. Административное судопроизводство в Республике Таджикистан: современное состояние и перспективы развития: дис. ...канд. юрид. наук. М., 2017. С. 69
12. Э.Т.Хожиев, Ш.И.Шайзаков.Ўзбекистонда маъмурий суд ишларини юритишда прокурор иштирокининг ташкилий-хуқуқий асослари. Ўқув қўлланма. – Тошкент, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси, 2019 й. 31-б.
13. Коркунов Н.М. Русское государственное право. СПб., 1889.
14. Э.Хожиев, Ш.Шайзаков. Оммавий-хуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларнинг мазмун-моҳияти ва ўзига хос хусусиятлари. Ўзбекистон Республикаси Бош Прокуратураси Академияси Ахборотномаси (2019, № 4 (40)). 32-бет.
15. Тихомиров Ю. А. Публично-правовые споры // Право и экономика. 1998.№ 6. С. 8–13.
16. И.В. Михеева. Судебная защита публичных интересов. [http://www.unn.ru/pages/vestniki\\_journals/99990195\\_West\\_pravo\\_2003\\_2\(7\)/B\\_1-8.pdf](http://www.unn.ru/pages/vestniki_journals/99990195_West_pravo_2003_2(7)/B_1-8.pdf)
17. Минина А.И. Критерии арбитрабильности спора // Актуальные проблемы российского права. 2014. № 5. С. 982–987.
18. Замышляев Д.М. Виды судебных юрисдикций в Российской Федерации: сравнительно-правовой и исторический подход: дис. ... канд. юрид. наук. М., 2015. С. 100-101
19. К различным теориям см. напр., Kopp/Schenke, Kommentar zur VwGO (комментарий к АСЗ), § 40, Rn. 11.

20. Хартмут Маурер : *Общее административное право* , 15-е издание, 2004 г., ISBN 3-406-52631-4 . Раздел 3, маргинальный номер 12.
21. Пешкова Т.В. Административное судопроизводство в судах общей юрисдикции в Российской Федерации : дис. ... канд. юрид. наук. Воронеж, 2014. С. 116.
22. Панова И.В. Проблемы рассмотрения административных дел // Вестник ВАС РФ. 2012. № 5. С. 12–46.
23. Галий И.М. Административно-правовые споры в рамках института Административного судопроизводства : проблемные вопросы содержательной характеристики // Административное право и процесс. 2007. № 1. С. 9–12.
24. Публично-правовой спор, как предмет административного судопроизводств. //доступно на сайте: [http://studies.in.ua/admin\\_proces-seminar/2125](http://studies.in.ua/admin_proces-seminar/2125) (время обращения март 2015г.)
25. Алехин А.П. Административное право России. – М.: 2015, С. 56.
26. Хаманева Н.Ю. Административно-правовые споры: проблемы и способы их разрешения // Государство и право. 2006. № 11. С. 5-13
27. Бахрах Д.Н. Административное право. М., 1997. С. 45.
28. Лупарев Е.Б. Административно-правовые споры: дис. ... док. юрид. наук. Воронеж, 2003. С.14-15
29. Лупарев Е.Б. Определение административно-правового спора //Проблемы административной юстиции: материалы семинара. - М., 2002. - С.134.
30. Соловьёв А.А., Опалев Р.О. Административная юстиция в зарубежных государствах: особенности функционирования отдельных институтов административного судопроизводства: монография / Московский государственный юридический университет имени О.Е. Кутафина (МГЮА). – М., 2017. – 35-36 с.
31. Соловьёв А.А., Опалев Р.О. Административная юстиция в зарубежных государствах: особенности функционирования отдельных институтов административного судопроизводства: монография / Московский государственный юридический университет имени О.Е. Кутафина (МГЮА). – М., 2017. – 29 с.
32. Ўша манба. 69 с.
33. Ўша манба. 50 с.
34. Schmitt, Stephan. Importance of Judicial Communication in Civil Proceedings in Germany. J. Law. 2018. Б. – 258.